



ИЛДИЗ БЎРТМА НЕМАТОДАЛАРИ

Макмудов Бегзод

Абдуразакова Азизабону

Шодикулова Шахризода

Илмий раҳбари: Мирзаев Ризамат Зиёдуллаевич

Самарканд давлат тиббиет университети

Ўзбекистон, Самарканд

Илмий мақсади: ўсимликларнинг илдизини зарарлайдиган нематодларнинг табиий манбаларини аниқлаш ва уларнинг иссиқ хоналарга ўтиб иссиқхона ўсимликларини зарарлашини олдини олиш чора-тадбирлари.

Текшириш материаллари: Зарафшон воҳасининг Оқдарё ҳудудидаги туқайзорларида жумрутсимон чаканда илдизидан 75 та намуна олиб текширилади. Текшириш натижасида фақат Оқдарё қуриқхонасидан олинган 25 та ўсимлик илдизи намунасининг 8 таси бўртма нематода билан зарарлангани аниқланди. Шунингдек Қорадарё воҳаси ва Жомбой қуриқхонасидаги жумрутсимон чаканда илдизи ва илдиз атрофи тупроқларда нематодалар учраши ўрганилди. Текшириш натижалари: Чаканда ўсимлигининг илдизи ва илдизи атрофи тупроғида топилган нематодаларнинг сони ва тур таркиби жиҳатидан солиштириш натижасида уларни бир - биридан катта фарқ қишини кўрсатди. Нематодаларининг энг кўп сони Жомбой қуриқхонасида, нисбатан камроқ Оқдарё водийси ва ундан ҳам камроқ Қорадарё воҳасидаги намуналардан топилди. Оқдарё водийси ҳудудида ўсувчи чакандаларнинг илдизи ва илдизи атрофи тупроғида 12 турга мансуб 288 та нематодлар аниқланди. Жумладан, Тйленчида туркумидан 8 турга оид 42 та нематодлар, Рҳабдидида туркумидан 22 турга оид 207 та нематодлар, Чромадорида туркумидан 7 турга оид 13 та нематодлар, Дорйламида туркумидан 5 турга оид 36 та нематодлар қайд



килинди. Илдиз ва илдиз атрофи тупроқлари текширилганда кўпроқ нематодалар тупроқ атрофида (251 та) ва камроқ (77 та) нематоде борлиги аниқланди. Текширишлар натижасида чаканда илдизида, *Meloidegryne* инсогнита,, *Meloidegryne* ҳапла турлари 1та чаканда илдизида ёнма-ён яшаши малум бўлди. Олинган илдиз намуналарининг зарарланиши 32%, зарарланиш даражаси эса 2,8 баллни ташкил қилди, *Meloidegryne* инсогнита,, *Meloidegryne* ҳапла турлари чаканданинг айниқса 1 йиллик ёш ниҳолларини кучли зарарлаши малум бўлди. Натижада ёш ниҳолларнинг ўсишини секинлаштиради. Жомбой кўрикхонаси шароитидаги чаканда нематодаларининг сони ва тур таркиби ҳам ўзига хосдир. Бу ерда 46 турга мансуб 423 та нематоде топилди. Бу ҳудудда ўсаётган чаканда илдизидан 28 турга оид 225та нематоде, илдиз илдиз атрофи тупрогида эса 32 турга оид 184 та нематоде аниқланди. Буларнинг ичида энг кўп тарқалгани *Acrobeloides butschlii* туридир.

Хулоса: Тўқайзорда ўсувчи жумрутсимон чаканда ўсимлигининг нематода фаунасининг тур таркиби аниқланди. Аниқланган нематода турларининг таксономик ҳолати таҳлил қилинди. Бўртма нематодалар маданий ўсимликлар ҳосилдорлигига катта зарар етказиб, шу билан бирга қатор вирус, замбуруғлар ва бактериаларнинг юқишида ҳам фаол иштирок этиши аниқланди. Хавфли касаллик туғдирувчи нематоде турларини табиий манбалардан маданий ландшафтларга ўтишига йўл қўймаслик учун тўқайзорлар орқали ўтувчи зах сувлар билан иссиқхона ўсимликларни суғормаслик кераклиги ҳақида тавсиялар берилди.

Адабиетлар:

1. Азимова, А. А., Абдухоликов, С. Х., &Бозоров, Х. М. (2023). ОСЛОЖНЕНИЕ ГЛЮКОКОРТИКОИДНОЙ ТЕРАПИИ У БОЛЬНЫХ САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ, ПЕРЕНЕСШИХ COVID-19. ББК 5я431 М42 Печатается по решению Редакционно-издательского совета Государственного гуманитарно-технологического университета, 18.
2. АЗИМОВА, А. А., &МАЛИКОВ, Д. И. (2022). ПОВРЕЖДЕНИИ МЯГКОТКАНЫХ СТРУКТУР КОЛЕННОГО СУСТАВА И УЛЬТРАЗВУКОВОЕ



ИССЛЕДОВАНИЕ. МОЛОДЕЖНЫЙ ИННОВАЦИОННЫЙ ВЕСТНИК

Учредители: Воронежский государственный медицинский университет имени НН Бурденко, 11(2), 10-13.

3. Азимова, А. А., Маликов, Д. И., &Шайкулов, Х. Ш. (2021). МОНИТИРОИНГ ЭТИОЛОГИЧЕСКОЙ СТРУКТУРЫ СЕПСИСА ЗА. PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS, 48.
4. Азимова, А. А., &Маликов, Д. И. (2023). ВЫЯВЛЕНИЕ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ С ДОБАВЛЕНИЕМ ЕЖЕГОДНОГО СКРИНИНГА УЗИ ИЛИ ОДНОКРАТНОГО СКРИНИНГОВОГО МРТ К МАММОГРАФИИ У ЖЕНЩИН С ПОВЫШЕННЫМ РИСКОМ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ. THE BEST STUDENT OF THE CIS, 1(1).
5. Азимова, А. А., &Маликов, Д. И. (2023). ВЫЯВЛЕНИЕ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ С ДОБАВЛЕНИЕМ ЕЖЕГОДНОГО СКРИНИНГА УЗИ ИЛИ ОДНОКРАТНОГО СКРИНИНГОВОГО МРТ К МАММОГРАФИИ У ЖЕНЩИН С ПОВЫШЕННЫМ РИСКОМ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ. THE BEST STUDENT OF THE CIS, 1(1).
6. Супхонов, У. У., Файзиев, Х. Ф., Азимова, А. А., &Абдурахмонов, Д. Ш. (2024). СУЩЕСТВУЮТ СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ЛИПОСАКЦИИ, КОТОРЫЕ УСПЕШНО ПРИМЕНЯЮТСЯ ДЛЯ КОНТУРНОЙ ПЛАСТИКИ ТЕЛА. NAZARIY VA AMALIY FANLARDAGI USTUVOR ISLOHOTLAR VA ZAMONAVIY TA'LIMNING INNOVATSION YO'NALISHLARI, 1(2), 18-22.